

РАҚАМЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Суёнова Дилфуза Дилмурод кизи,
Олий бизнес мактаби таянч докторанти

Аннотация. Мақолада Рақамли корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илгор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқи, бу бўйича соҳа олимларининг қарашлари таҳлили, Ривожланаётган мамлакатларда рақамли иктисодиёт улуши бўйича таҳлиллар кенг маълумотлар орқали ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли корпоратив, «электрон ҳукумат», кузатув, абстракт-мантиқий фикрлаш, тизимли таҳлил, таққослаш, электрон механизм.

Annotation. The article is a study of the experience of advanced foreign developed countries of the introduction of the rakamli corporate framework, on which the views of Soha scientists are based, and on the share of rakamli ICT in developing countries, taxli are covered through extensive data.

Keywords: Digital corporate, "e-government", surveillance, abstract-logical thinking, systematic analysis, comparison, electronic mechanism.

Бугунги кунда иктисодиётни трансформация қилишнинг долзарблиги – иктисодиётда бир текис амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва трансформация жараёнларининг ўзига хос тезкор хусусиятлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Худудларда иктисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни тизимли таҳлил қилиш, жаҳон иктисодиётининг ривожланиш босқичларини асосий йўналишлари ва саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасини батафсил ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистонда иктисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланган.

Маълумки, рақамли корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илгор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибаси бугунги кунда рақамли иктисодиёт кўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Иктисодиёт тармоқларидаги амалга оширилаётган ислохотлар натижасида рақамли ахборотлар таъсири асосида кузатилаётган жараёнлар банк бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал

килувчи кучга эга бўлмокда. Жаҳонда ракамли активлар бўйича глобал иштирокчилар сифатида “North Plains Systems Corporation”, “Open Text Corporation”, “Widen”, “Net Exposure, Inc.”, “Media Beacon, Inc.”, “Hewlett-Packard Company”, “WebDAM” каби йирик халқаро банкларни мисол килиб келтириш мумкин.

Ракамли иктисодиёт (Digital Economy) деганда, ракамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иктисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иктисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасайишига олиб келади⁴¹.

Жаҳон банкининг “Ракамли дивидендлар” номли тадқиқоти хулосалари мамлакатлар иктисодиётини ривожлантиришда ракамли иктисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМ ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган мамлакатларда 1,38 фоизга тенг. Демак, интернет тезлиги 2 баробар ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми 13-14 фоиз ортишига эришиш мумкин⁴².

Республикамизнинг акциядорлик тижорат банкларида банк бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам бир қатор вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади. Уларнинг асосийси мулкдорлар манфаатлари учун бошқарувнинг шаффофлигини таъминлаш, барча акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий натижаларни олиш ва таксимлаш билан боғлиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқаришда илғор техника ва технологияларни қўллаш асосида банк хизматларини кўрсатишнинг сифатини таъминлаш, янги технологиялар ва ракамлаштирилган юқори унумдорликда ишловчи ускуналар тизими асосида хизмат кўрсатиш жараёнини барқарорлаштириш кабилар долзарб вазифа ҳисобланади. Ракамли корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илғор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилар эканмиз, одатда, уч хил асосий ёндашув ажралиб туради : Европа модели (Ғарбий, Марказий ҳамда Шарқий Европа давлатлари), Инглиз-америка модели (АҚШ, Буюк Британия, Канада) ҳамда Осиё модели (Жанубий Корея, Сингапур) .

Биринчи йўналиш. камли корпоратив бошқарув тизимининг Европа модели хусусиятлари: тавсияларининг бажарилиши Европа иттифоқига аъзо бўлган барча давлатлар учун мажбурий ҳамда нуфузи давлат муассасаларидан баланд бўлган

⁴¹ <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

⁴² <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

“евроташкилот”ларнинг мавжудлиги (Европарламент, Еврокомиссия, Европа суди ва ҳок.); ягона валюта, ягона Бутуневропа ахборот макони, яъни ягона Конституциянинг тайёрланаётганлиги, капитал, энергия ва ахборотларнинг эркин ҳаракатланиши билан намоён бўлувчи Европа халқлари ва мамлакатларининг юқори даражадаги интеграцияси; ягона Бутуневропа ахборот маконида айланувчи ахборот оқимлари - ахборот муносабатларини тартибга солувчи қатъий қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинганлиги назарда тутилади. Бу моделдаги бошқарув ва миллий ҳукуматлар ҳамда “евроташкилот”ларнинг фаолияти ахборот тармоқлари ва тизимларидан фойдаланувчи фуқароларнинг манфаатларига қаратилган замонавий илғор технологияларнинг қўлланилиши орқали таъминланган.

Хулоса: Бугунги кунда акциядорлик тижорат банкларининг банк бошқарувида амалга оширилган рақамли тизимларни, блокчейн технологиялар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Акциядорлик тижорат банклари молиявий бошқарувига блокчейн технологиясини жорий этиш учун блоклар реестри, алгоритмлар, операциялар ёки шартномалар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида банк бошқарув, ҳал қилинадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқ ичида банк корхоналар фаолиятининг барқарорлиги ошишига асос бўлади.

REFERENCES:

1. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS), Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 4 No 09. September 2023 ISSN:2660-5570.
2. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технолгиялардан фойдаланиш масаласига илмий қарашлар. Иқтисодий тарққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали, 2024 йил 31 июль. <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379>.
3. Суюнова Д.Д. Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш масаласига илмий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь.)
4. Суюнова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишга илмий-назарий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбирворликни

ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь).

5. Суюнова Д.Д. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши ва ривожланиш ҳолатининг таҳлили. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).

6. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизимидан фойдаланиш йўллари. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).

7. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда рақамли технологиялардан фойдаланиш. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2024 йил январь).

